


ҒАЛЛА АГРОТЕХНИКАСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР



Қумқўрғон тумани 1-сектор, Нурмамат Мирзеев ҳудуди, “Қумқўрғон чорбоғи” фермер хўжалигида қишлоҳ хўжалиги ходимлари ва фермер хўжалик раҳбарлари иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда ғаллага тўртлик ишчи эритма сепиш, уни маҳаллий ўғитлар билан озиқлаш, суспензия қилиш каби масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, биомахсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Туман ҳокими фермер хўжалик раҳбарларига агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш

бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.